



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
28 октябрь
ШАНБА
№ 87
(11.890)


1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Қарши шахрининг 2700 йиллигига

ТҒЙГА МУНОСИБ ТҒЁНА



Қарши шахрининг 2700 йиллиги кенг нишонланаётган айти кунларда пойтахтимиздаги «Маънавият» нашриёти томонидан «Қарши-2700» китоб-альбоми чоп этилди.

Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб Президент Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кадрларимизни қайта тиклаш, аждодларимиз яратиб қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Утган йиллар мобайнида заминимиздан етишиб чиққан кўплаб улуг алломаларнинг, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз сингари қадимий шахарларимизнинг юбилейлари кенг миқёсда нишонлангани ҳам шундан далолат беради.

Тарихий манбаларда Наҳшаб, Насаф сингари номлар билан юритилган Қарши шаҳри ҳам юртимизнинг узоқ ўтмишга эга бўлган, дунёга кўплаб етук фозилу

уламолар, шоиру алломалари етказиб берган қадим маданият ўчоқларидан бири саналади.

Президентимизнинг 2005 йил 26 июлда қабул қилинган «Қарши шахрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори кенг жамоатчилик томонидан қатта мамнуният билан қутиб олинди. Ушбу кутлуғ санага қизгин тараддул кўрилди. Шаҳарда юбилей олдидан йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Юбилей муносабати билан шахарнинг ўтмиши ва бугуни ақс эттирилган бир қатор илмий-оммабоп мақолалар, китоблар ва оқрифтлар тўпламлари чоп этилди. Мазкур йирик китоб-альбом ҳам Қарши шахрининг

юбилейига муносиб тўхфа бўлди. Ундан шахарнинг кўп асрлар давомида босиб ўтган тараққиёт йўли, бетакор тарихий обидалари, ўзига хос маданияти, ҳунармандчилик, меъморчилик анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, рангли фотосуратлар ўрин олган.

Китоб-альбомда Қарши шахрида мустақиллик йилларида рўй бераётган ўзгаришлар, барпо этилган иншоотлар, фан-таълим, маданият ва спорт соҳаларида кўлга киритилган улкан ютуқлар, қаршиликларнинг бугунги кундаги интилишлари, турмуш тарзи, юртимизнинг сўлим табиат манзараларига ҳам кенг ўрин берилган.

Кўп миң нусхада нашр этилган китоб-альбом матнларининг ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилгани шахарнинг тарихи, бугунги ҳаёти билан ҳориқликларни ҳам яқиндан таништиришда кўл келади. Китоб-альбом дизайнини «Art-press» корхонаси, матбаа ишларини «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси замонавий полиграфия имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда юксак маҳорат билан бажарган.

Ушбу нашр жонажон Ватанимизнинг бой ва гўзал масканларидан бири бўлмиш Қарши шахрининг ўтмиши ва ҳозирги қиёфасини яна бир қарра тарих саҳифаларига муҳрагани билан ҳам қимматлидир.

У.А.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили



ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

Бўка туман марказий шифохонаси ҳудудда яшовчи 105 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури асосида бу ердаги хизмат бўлиmlарини, поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктларини мукамил таъмирлаш ишларига 12 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, 52 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари ҳомийлар кўмаги билан амалга оширилди. Шунингдек, жойлардаги 13 та қишлоқ

врачлик пунктларига Осиё тараққиёт банки кредити ҳисобидан ажратилган 8 миллион 425 миң 700 сўмлик тиббий жиҳозлар олинди. Шу қаторда мар-

казий шифохонанинг туғруқ бўлими ҳам янгича кўриниш касб этди.

— Йилнинг ўтган даври мобайнида 1700 чақалоқ дунёга келди, — дейди бўлим мудири Фароғат Болтаева. — Давлатимиз томонидан оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида қатор гамжўрликлар кўрсатилаяпти. Бундай эътибор натижасида бола-

лар ўлими, улар ўртасида учрайдиган касалликлар ҳам кескин камайди.

СУРАТДА: бўлим мудири Фароғат Болтаева жарроҳлик ҳамширалари Вилоят Фулмова, Олия Эшматова билан она ва бола соғлигини кўздан кечирмокдалар.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА олган сурат.

Марказий Осиё мамлакатларида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда Ислам дини омили, анъана ва урф-одатларнинг роли ва аҳамиятига бағишланган Тошкентда ўтказилган халқаро анжуман яқунланди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯҚУНЛАНДИ

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ривожига асос бўладиган мустақам ижтимоий институт — маҳалла мавжуд. Маҳалла институти ҳамда ўзбек халқининг ўзига хос анъана ва урф-одатлари бир-бирини тўлдириб, бир-бирининг раванқиига хизмат қилади. Бошқа мамлакатларда бундай ҳолатни учратиш амри маҳол. Ўзбек маҳалласининг асл моҳиятига раэм солинса, унинг маънавий-ахлоқий қарашлар билан йўғрилгани, ҳам индивид, ҳам жамоат манфаатларини ўзида ақс эттириши яққол намоён бўлади. Бу фуқаролик жамиятини шакллантиришда қатта аҳамиятга эга.

Анжуманда Ислам дини ва халқаро алоқалар: тинчлик ва барқарорлик концепцияси, Марказий Осиёда фуқаролик жамиятининг вужудга келиши, дин ва фуқаролик жамияти, замонавий фуқаролик жамиятини шакллантириш — минтақа мамлакатларини тўлақонли модернизаццилашда муҳим қадам каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

У.А.

Фаоллар йиғилиши

ИМКОНИАТЛАР ЕТАРЛИ

Тошкент вилояти фаолларининг жорий йил тўққиз ойида иқтисодий тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим комплекс дастурларининг амалга оширилиши ҳамда 2007 йилга мўлжалланган асосий дастурларини шакллантириш масалаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари бўлим ва бошқармаларнинг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишини вилоят ҳокими Мирзамашрап Куччиев бошқарди. Фаоллар йиғилиши 2006 йилнинг тўққиз ойида макроиктисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш энг муҳим мақсадили муаммавий дастурларининг амалга оширилиши ҳамда 2007 йилга асосий дастурларини шакллантириш чора-тадбирлари, келгуси йил ҳосили учун кузги агротехника тадбирларининг бажарилиши, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа

объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилди.

Йиғилишда қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Президентини белгилаб берган вазифаларга мувофиқ вилоятда ислохотларни жаддалаштириш, иқтисодийни янада эркинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор тус олди. Тўққиз ойлик ўсиш суръати 6,9 фоизни ташкил қилди. Шу муддатда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 4,1, чакана савдо айланмаси 5,7 ва пулли хизматлар 24 фоиз ўсиши таъминланди. Капитал кўйилмалар умумий ҳажмининг 68 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди.

Муҳокама чоғида хусусийлаштириш дастурининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидландики, чет эл сармоядорларига 1,4 миллион долларлик акциялар пакети сотилди.

Утган муддатда бешта лойиҳани амалга ошириш жараёнида хоржий инвестициялар ўзлаштирилди. Вилоятда тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш, бизнес муҳитини эркинлаштириш изчил давом эттириляпти. Натихада ялпи ички маҳсулот ҳажмида кичик бизнес улуши 7 фоиз ортиб, 38,5 фоизга етишига эришилди.

Ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, тадбиркорликни раванқ топтириш йўли билан вилоятда 27,3 миңга янги иш ўрни ташкил этилди. Айниқса, хизматлар соҳасини, касаначиликни ҳамда қорчачиликни ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришга эътибор кучайтирилди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислухотлар ўз самарасини бера бошлади. Вилоятимиз галла ва пахта етиштиришда мисли кўрилмаган натижаларга эришилди.

Йиғилишда ташқи савдо

айланмаси муттасил ўсиб бораётганиги кўрсатиб ўтилди. Вилоятда экспортнинг ўсиши 156 фоизни ташкил этди. Йиғилиш иштирокчилари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурининг бажарилиши қандай бораётганигини атрофлича тахлил қилишди.

Шу билан бирга, йиғилишда хусусийлаштириш, янги иш жойларини барпо этиш, иқтисодийни ривожлантириш, хоржий сармояларни жалб қилиш, қурилиш ва бошқа соҳалардаги камчилик ва нуқсонлар танкид қилиниб, мавжуд имкониятларни ишга солиш йўллари аниқлаб олинди. Ижтимоий соҳалардаги нуқсонлар ҳақида гап борганида Пскент ва Чиноз туманларида мактабларни қуриш-таъмирлаш жараёнидаги қусурлар алоҳида таъкидлаб ўтилди. Корхоналар, ижтимоий соҳа муассасаларини, уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлашдаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилиш муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Семинар

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан солиқ хизмати идоралари ҳамда оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида семинар-тренинг ташкил этилди.

СОЛИҚЧИ ҲАМ ИЖОДКОР БЎЛСА...

Тадбир кун тартибидан солиқ тизими жараёнларини маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситаларида малакали ёритишга кўмаклашувчи ижодий гуруҳлар фаолиятини тахлил этиш, Президентнинг фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, 2007 йил учун таклиф этиладиган солиқ концепцияси моҳиятини солиқ тўловчиларга етказишга қаратилган тадбирлар ҳам ўрин олди. Семинарда оммавий ахборот воситалари, шаҳар ва туман солиқ инспекциялари бошлиқлари ҳамда ижодий гуруҳ аъзолари иштирок эттишти.

Таъкидлавишича, бугунги кунда қайси соҳа бўлишидан қатъи назар унинг фаолиятини оммага таништиришда, раҳбар ходимнинг маънавий айримларида бирекламликка йўл қўётганлиги айтиб ўтилди.

Ҳуришда НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

зардан қараганда солиқ идораларида хизмат қилувчи раҳбарлар матбуот билан ҳисоблашмай иш юритса, ҳар тонг ишга келганида, бир оз вақтини матбуот нашрларини арақлашга ажратмаса ёки телекўрсатув, радиозастиришларни кузатиб бормаса, ҳуқумат юритаётган сиёсатдан бохабар бўлмаса, бугунги кун нафасини тўлиқ ҳис этмас унинг фаолиятида кемтиклик пайдо бўлади.

Семинар давомида туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари ва ходимлари оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилишда сузташқилка, шунингдек, эълон қилинган мақола, кўрсатув ва эшиттиришларнинг айримларида бирекламликка йўл қўётганлиги айтиб ўтилди.

У.А.

ТАЪЛИМ ВА АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ

Пойтахтимизда умумий ўрта таълим мактабларида ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ташкил этишга бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда вилоят халқ таълими бошқармалари, болалар кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, умумтаълим мактаблари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

«ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ!»

Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Ҳамиша эъзоздасиз!» мавзуда ташкил этилган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурининг ижросига бағишланди.

Тадбирда мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари — кексалар, ногиронлар, серфарзанд ва эҳтиёжманд оилаларни кўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида экани таъкидланди.

Шунингдек, унда таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиши этилди.

У.А.

Обуна — 2007

ИЛГОРЛАРГА МУКОФОТИМИЗ БОР

Туманимизда 2007 йил учун газета ва журналларга обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Айни вақтда шу асосда белгиланган режа бўйича мавжуд 78 та ташкилот ва корхона, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда вақтли

нашрларга обуна давом этмоқда. Вилоятимизнинг бош нашрлари — «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», газеталарига туман

бўйича жами 1250 нусхада обуна бўлиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, мавсумнинг муваффақиятли яқунлашига ҳисса қўшган, яъни ўз жамоасида, маҳаллада юксак ташкилотчилик ва фаоллик кўрсатган жамоатчи вакилларимиз почта-

алоқа тармоғимиз ҳисобидан рағбат сифатида вилоят газетасига обуна қилинади.

Ҳозирги кунда туман халқ таълими бўлими, марказий шифохона, Аграр-саноат касб-ҳунар коллежи каби жамоаларда обуна қизгин бораёпти. Қишлоқ ҳўжали-

ги соҳасида йилни ёруғ юз билан яқунлаётган фермерлар ҳам мавсумдан четда қолмайди. Чунки, матбуот ҳар бир соҳа вакили, ҳар бир фуқаро учун яқин маслақдош ва кўмақдош. Буни жамиятининг ҳар бир онгли, идроқли аъзоси теран ҳис этади.

Абдулҳай ШОТЕМИРОВ, «Тошкент почтасининг Бўка тумани бўлими бошлиғи».

У.А.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 10 columns: DUZHANBA 30, SESHANBA 31, CHORSHANBA 1, PAYSANBA 2, JUMA 3, SHANBA 4, YAKSHANBA 5, TOHKENT, SPORT. Each column contains a list of TV programs with their start times and channel information.

2006 йил 28, 30 ноябрь ва 5, 7 декабрь кунлари соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси махлуслар залида бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган кўчмас мулк объектлари ва авто-мототранспорт воситалари қўйиладиган

Table with 5 columns: №, Объектнинг номи, Бошлангич баҳоси, сўм, Объект қайси корхона ёки ташкилотга тегишли, Объектнинг қисқача тасвифи, Автомототранспорт воситаси савқонланган жой. Contains details of auction lots and vehicles.

2006 йил 28, 30 ноябрь ва 5, 7 декабрь кунлари соат 11.00 да Республика кўчмас мулк биржаси биноси махлуслар залида бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйиладиган кўчмас мулк объектлари ва авто-мототранспорт воситалари қўйиладиган

Хорижада БОЛИВИЯ - МУҚБИЛ НОМЗОД. Ўтган hafta БМТ Бош ассамблеясида Хавфсизлик кенгашининг ноҳодимий аъзолиги учун сайлов бўлган эди. Унда турт мингтадан номзод маълумотлар бир овоздан тасдиқланган, фақат Лотин Америкасидаги номзодлар - Венесуэла билан Гватемала ўртасидаги ўзаро кураш якунига етмаган эди.

Кизиқкиш билдирган иштирокчилар кўчмас мулк объектларини юқорида кўрсатилган манзилларда қўриш имкониятига эга. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланганидан 1 кун олдин, соат 18.00 гача қабул қилинади.

